

Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиқтисодий журнал

МУНДАРИЖА

3. **Қ.ЧОРИЕВ, Н.АСКАРОВ, А.БАХРИДДИНОВ.** Пиллачилик тармоғида ҳўжалиқ юритиш субъектлари ўртасида ўзаро муносабатлар
7. **Н.ХУШМАТОВ.** Тенденция развития отрасли хлопководства в Узбекистане
10. **Б.СУЛТАНОВ, У.НАЗАРКУЛОВ, А.МУХТОРОВ, С.ИСКАНДАРОВ.** Потенциал тепличных технологий в условиях изменения климата в Узбекистане
15. **А.ЧЕРТОВИЦКИЙ, Ш.НАРБАЕВ.** Модернизация системы пастбищного землепользования Республики Каракалпакстан
20. **О.МУРТАЗАЕВ, Д.РАХМОНОВ, Ғ.ИБРАГИМОВ.** Кластер тизимининг қишлоқ ҳўжалиги самардорлигига таъсири.
24. **К.ШАРИПОВ, У.ЗАЙНУТДИНОВА.** Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг концептуал асослари
27. **С.ХАМРАЕВА, З.ХАЙДАРОВ.** Озиқ-овқат хавфсизлиги: рақамлар, муаммолар, натижалар
30. **Н.САИДАХМЕДОВА, Ф.НАЗАРОВА.** Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси
33. **А.МУХТОРОВ.** Қишлоқ ҳўжалигида сув тежовчи инновацион технологияларни мақбул моделларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш йуллари
37. **Ғ.ДЎСТМУРOTOV.** Давлат-хусусий шериклик механизмидан кластер лойиҳаларида фойдаланиш
41. **Х.УРДУШЕВ, С.ЭШАНҚУЛОВ.** Мева-сабзавотчиликни ривожлантиришда кластерли ёндашув самардорлиги
44. **Н.ХОЛИМАТОВ.** Саноатлашув жараёнида агро-саноат кластерлари институционал ривожланишининг тенденциялари
50. **А.ХАЙРИДДИНОВ.** Иқтисодий инновацион-инвестицион ривожлантиришнинг назарий асослари
53. **А.АБДУЛЛОЕВ, З.ҚАЙИМОВА.** Қишлоқ ҳўжалиқ тармоқларида кластерларни ташкил этиш – иқтисодий ўсишнинг инновацион йули
56. **Ғ.САМИЕВА.** Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича Германия ва Исроил тажрибалари
59. **Х.ХУРАМОВА.** Аҳоли эҳтиёжларини қондиришда агрокластерларнинг ўрни ва вазифалари
61. **Т.АХМЕДОВ.** Қишлоқ ҳўжалигида рақамли технологияларни қўллашнинг шартлари ва омиллари
64. **Д.АКАБИРОВА.** "Ақлли" қишлоқ ҳўжалигида инновацион технологияларини тадбиқ этиш бўйича хорижий тажрибалар
67. **Х.МАХСАДОВ, С.ГАПШАРОВ, С.МАХСАДОВ, Ж.УРОЛОВ.** Қишлоқ ҳўжалиқ экинларини мульчалаб суғоришнинг тупроқ ҳарорати ва суткалик сув истеъмолига таъсири
70. **Ш.МУРАТОВ, Ш.ҲАСАНОВ.** Қишлоқ ҳудудларидаги аҳоли фаровонлигининг ўсишида ноқишлоқ ҳўжалиқ фаолиятлари даромадларининг таъсири
74. **Х.ПАРДАЕВ, Ш.ҲАСАНОВ.** Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш занжири субъектлари ўртасида иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришнинг назарий асослари
78. **Р.ҚАЛАНДАРОВ.** Қорамолларни озуқлантиришни ташкил этишнинг иқтисодий аҳамияти
82. **А.ФАЙЗИЕВ, Н.РАХМОНОВ.** Прогнозирование динамики урожайности хлопчатника
85. **Ў.НИШОНОВ.** Мева-сабзавот экспортини қўллаб-қувватлашда хориж тажрибаси
89. **М.АЧИЛОВ, А.ФАЙЗИЕВ.** Мева-резавор экинлар ҳосилдорлигини математик моделлаштириш асосида таҳлил қилиш усуллари
92. **Ҳ.АҚБАРОВ.** Мева ҳосилдорлига ресурс ҳамда табиий-иқлим шароитларининг таъсирини баҳолаш
96. **Д.НОРБЕКОВ, Ш.ХИКМАТОВ.** Қишлоқ ҳўжалиги субъектларида молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштириш
99. **Д.БАБАБЕКОВА, М.ИШМУХАМЕДОВА.** Рақобат шароитида давлат бюджет сисмати орқали аҳоли иқтисодий фаоллигини ошириш йуллари
101. **А.БОЛТАЕВ.** Таъминот ташкилотларида реализация жараёни ва молиявий натижалар шаклланиши ҳисобининг хусусиятлари
105. **Д.ТАДЖИБЕКОВА.** Маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини таъминлаш масалалари
108. **Ғ.ТАЖЕНОВ.** Қишлоқ ҳўжалиқ маҳсулотлари экспортини молиялаштиришнинг назарий жиҳатлари
111. **У.НАЗАРОВА.** Инновацион тадбиркорликни кластерлашда қўлай иқтисодий-ҳуқуқий шароитларни яратиш масалалари
114. **О.ҚАХҲОРОВ, А.НОРОВ, Б.АДИЗОВ.** Олий таълим муассасаларида инновацион маркетинг технологиялари орқали рақобатбардошликни бошқариш йуллари
117. **Ў.РАЖАБОВ.** Ўзбекистонда тиббий туризмининг ривожланишида табиий омилларнинг аҳамияти
120. **Ф.СУЮНОВА.** Развитие производственной кооперации в странах Центральной Азии
124. **Қ.УТЕГЕНОВ.** Лизинг-давлат-хусусий шериклик шакли
128. **Ҳ.ТАШБАЕВА.** Ер ҳисобини юритишда хориж тажрибаси таҳлили
131. **Ф.НАЗАРОВА.** Қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш, хорижий тажриба ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари
134. **С.МУСТАФАЕВ, Ш.ФАЙЗУЛЛАЕВ.** Аграр соҳани ривожлантиришда инвестицияларнинг аҳамияти
136. **М.ЖУМАЕВА.** Рақобатни кучайтириш шароитида тижорат банқларида инновацион технологияларни жорий қилиш
138. **Қ.БЕКБОСЫНОВ, А.БЕКБОСЫНОВ.** Чорвачилиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида кластерли ёндашув

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИДА КЛАСТЕРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ – ИҚТИСОДИЙ УСИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛИ

Аслиддин АБДУЛЛОЕВ,

Бухоро давлат университети “Иқтисодиёт” кафедраси мудири, PhD

Зумрат ҚАЙИМОВА,

Бухоро давлат университети “Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада қишлоқ хўжалиги тармоқларида кластерларнинг ташкил этилиши натижасида Бухоро вилоятида олиб борилаётган ишлар натижаси таҳлили ва уни ривожлантириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар баён этилган.

Аннотация: В статье приводится анализ результатов исследований, проведенных в Бухарской области по организации кластера в сельском хозяйстве и даны предложения и рекомендации по его развитию.

Abstract: The article analyzes the results of research carried out in the Bukhara region on the organization of a cluster in agriculture and gives suggestions and recommendations for its development.

Миллий иқтисодиётни инновацион ривожланишини таъминлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Уни ривожлантириш биринчи навбатда илғор илм-фан ютуқларига асосланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги ПФ-5708 сонли «Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонда «агробизнеснинг кластер моделини кенг жорий этиш чора-тадбирларини амалга ошириш, кластерлаш жараёнининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида кластерларни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш» муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди. Бу эса кластерларни шакллантириш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий, ташкилий-технологик, молиявий-иқтисодий ва бошқа масалаларнинг илмий-услубий ечимларини топишнинг долзарблигидан далолат беради.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида кенг қўлланиладиган иқтисодий ривожланиш усулларида бири – кластерли ёндашувдир. Иқтисодиётда кластер деганда аввало, ҳудудий жиҳатдан яқин бўлган ҳамда функционал жиҳатдан бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган турли хил субъектлар, яъни ташкилотлар, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат

кўрсатиш корхоналари, илмий-тадқиқот ва таълим масканларининг бирлашмаси тушунилади. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг кластерли ёндашуви янги бошқарув технологияси бўлиб, ушбу ёндашув нафақат алоҳида ҳудуд ёки тармоқ, балки бутун мамлакат рақобатбардошлигини ошириш имкониятини беради.

Шу боис, Ўзбекистонда кейинги пайтларда илғор технологияларга асосланган инфратузилмани яратиш, қишлоқ хўжалигида кластер усулини жорий этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ана шундай инновацион лойиҳалардан бири Бухоро вилоятида рўёбга чиқарилмоқда.

Бухоро вилоятида 2019 йил январ ҳолатида жами фермер хўжаликлари сони 7666 тани ташкил этиб, 2015 йилга нисбатан уларнинг миқдорий ўсиши 159 фоизни (2015 йилда 4822 та) ташкил этди.[3] Бу асосан, мамлакатимизда фермер хўжалиklarини оптималлаштиришга қаратилган ислохотларнинг натижаси билан боғлиқ.

Республикаимизда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари нафақат қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда, балки, биринчи навбатда ўзлари томонидан етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини сақлаб, қайта ишлаб, қадоқлаб истеъмолчиларга тайёр ҳолда етказиб бериш ҳамда бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан

Калит сўзлар: кластер, агрокластерлар, кластерли ёндашув, илмий-тадқиқот институтлари, инновация, инвестиция лойиҳалари, технология, чорвачилик мажмуи, салоҳият

ҳолда қишлоқ ҳудудларида турли хилдаги хизматлар кўрсатиб, хўжаликнинг молиявий барқарорлигини янада ошираётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Қайд этиш лозимки, давлат раҳбарининг 2016 йил 21 декабрдаги “2017–2019 йилларда тўқимачилик ва тикув–трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора–тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида айнан ушбу ҳудудда “VCT Cluster” хориж корхонаси ташкил этилди. Бунинг учун 123,1 миллион АҚШ долларлик инвестиция йўналтирилиб, дунёнинг этакчи давлатларида ишлаб чиқарилган замонавий, калава, уни бўйаш ва тўкув–трикотаж фабрикалари ташкил этилади [2].

Чунки лойиҳага кўра, мазкур кластер тизимида жами саккизта компания фаолияти йўлга қўйилади. Пахта экиш агрокомплекси, пахтани қайта ишлаш ва тозалаш заводи, бешта фабрикани ўз ичига олган тўқимачилик мажмуаси, ёғ–мой заводи, 12 минг бош қорамол парваришлагга мўлжалланган чорвачилик фермаси, биогаз ишлаб чиқариш заводи, тежамкор технологияларга асосланган 20 гектарлик иссиқхона, 25 турдан ортиқ сут ва гўшт маҳсулотлари тайёрланадиган корхона шулар жумласидан. Матони бўйашда ишлатилувчи қимматбаҳо табиий бўёқ олинadиган индиго–ферум ўсимлиги ҳам айнан кластер ҳудудида экилмоқда. Кластернинг инновацион тўқимачилик корхоналари учун саноатбоп хом ашёнинг бир қисми эса томчилатиб суғориладиган экин майдонларида етиштирилади. Ёғ–мой заводида чигитни қайта ишлаш ҳисобига олинган ёғ истеъмолчиларга жўнатилса, кунжара ҳамда шелуха шу ердаги ферма эҳтиёжларини таъминлашда қўл келади.

Ўз навбатида, чорвачилик мажмуаси ва ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган органик чиқиндилар келгусида бунёд этиладиган 20 гектарли иссиқхонани иситиш манбаи бўлган биогаз ҳамда қимматбаҳо ўғит – биогурус ишлаб чиқаришга йўналтирилади.

Шунингдек, 230 та замонавий трактор, қишлоқ хўжалиги техникаси харид қилинган. Бунинг натижасида муҳандислар, ҳайдовчилар, механизаторлар каби мутахассисликлар бўйича қўшимча 500 та иш ўрни яратилади. Умуман, келажакда кластер тизими тўлиқ ишга туширилса, жами ўн мингга яқин доимий иш жойлари пайдо бўлади.

Кластер тизими экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашда ҳам жуда

қулай ҳисобланади.

Маълумки, пахтачилик ва тўқимачилик саноати истиқболи кластер усули билан боғлиқ. Сабаби, илгари биргина Ромитан туманида 8 минг гектар майдонга пахта экилганда, қиймати қарийб 10 миллион АҚШ долларлик хом ашё сотилган, холос. Кластер усули ёрдамида бу кўрсаткични 15–25 баробар кўпайтириб, 150 миллион доллар, ҳатто ундан ҳам ошириш мумкин [4].

Дунёда мана шундай технологиялар асосида жинси тайёрловчи фабрикалар саноқли. Агар, ўзи пахта экиб, жаҳон брендлари даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқилади. Ҳисоб–китобларга кўра, бир килограмм тола кўпи билан 1,5 долларга сотилади. Кластер тизимида қайта ишланган 1 килограмм толадан тўқилган мато битта “Denim–indigo” жинси шимини тикиш учун етарли. Бундай маҳсулот дунё бозорида 500–1000 долларгача туради. Агар буни минимал қийматда 15–25 доллар, деб баҳоласак, 8 минг гектардан оладиган пахтадан 150–250 миллион долларлик ана шундай маҳсулот тайёрланади. Бу эса нафақат Ромитан тумани, Бухоро вилояти, балки Ўзбекистон иқтисодиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари турмуш даражасини кўтаришда асосий омиллардан бирига айланади.

Айни пайтда кластер тизимимиздаги қурилиш–монтаж ишлари қизғин паллага кирган. Хусусан, “Bukhara cotton textile” кластер корхонаси ҳудудида мавжуд ишлаб чиқариш бинолари қайта таъмирланиб, янги иншоотлар бунёд этилмоқда. Айниқса, ҳозирга қадар 34 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. Сув йўллари ва қишлоқнинг яхлитлиги сақлаган ҳолда, 5 та ҳудуддаги майдонлар 90–120 гектардан 77 та участкага бўлинди. 2019 йил ҳосилидан тайёрланган маҳсулотлар экспортини 45 миллион, 2020 йилда 100 миллион, 2021 йилда 150 миллион АҚШ долларигача этказилади [3]. Агрокластерларни ташкил этишда давлат – олий ўқув юртлари – илмий тадқиқот муассасалари – фермер хўжаликлари – қайта ишлаш корхоналари – тайёрлов ва сотиш тузилмаларининг ҳамкорликдаги фаолияти йўлга қўйилиши натижасида ишлаб чиқаришга юқори унумли замонавий технологиялар ҳамда инновацияларни жорий этиш ишлари жадаллашади. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ҳамкорликда олий ўқув юртлари та–

лабалари амалиёт ўташлари учун шароит яратиш, келгусида уларни ишга олиш шарти билан энг иқтидорли ҳамда аълочиларига стипендия жорий этиш, шунингдек, Япония, Италия ва бошқа чет давлатларга малакасини ошириш учун жўнатиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Демак, кластер усулининг истиқболдаги афзалликларини назарда тутган ҳолда янги ерларни ўзлаштириш орқали экин майдонларини кенгайтириш эвазига чорвачилиқда озуқа базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, балиқчилик, паррандачиликни ривожлантириш ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш имконияти яратилди.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, қишлоқ хўжалигида кластер тизимини ривожлантиришнинг истиқболлари аграр соҳада энг катта муаммоларимиздан бўлган

фермерларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида етарли билимга эга бўлишига эришиш, қишлоқ хўжалиги технологияларини мукамал эгаллашини таъминлаш, замонавий ишлаб чиқариш ва инновация усулларида хабардор бўлиши учун имкониятлар яратиш ҳамда ҳуқуқий-меъёрий асосларини такомиллаштиришга боғлиқ.

Зеро, Бухородаги кластер занжирининг узилмас халқаси бу илмий, таълим ҳамда кадрларни тайёрлаш тизими ҳам ҳисобланади. Бундан ташқари, дунёдаги машҳур компаниялар билан ҳамкорликда энг кучли дизайнер-модельерларни олиб келиш бўйича саъй-ҳаракатлар давом эттирилмоқда. Буларнинг барчаси инсонлар ва давлат манфаатларини бирлаштириб, пировардида кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш мезони эканлигини амалда тўлиқ исботлаши муқаррардир.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 23 декабрь 2017 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти: //www.stat.uz
4. Раҳматов М.А. Кластер – ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омилдир. “Қишлоқ хўжалигида кластер тизимини ривожлантириш: тажрибалар, натижалар ва истиқболли йўналишлар.” Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2019 йил 24 май: – Бухоро.